ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 213 (10.518) / 2005 ЙИЛ 28 ОКТЯБРЬ

## Пойтахтнинг бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**



Пойтахтликлар ҳамда шаҳримиз меҳмонларига намунали транспорт хизмати кўрсатишда "Тошшаҳарйўловчитранс" акциядорлик компанияси жамоасининг ҳиссаси салмоқли. Компаниянинг барча корхоналарида кундалик юмушлар билан бир қаторда, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари ҳам қизғин паллага кирган.

**СУРАТЛАРДА: "8-автосарой" очиқ акциядорлик жамияти моҳир токари Эльдор Басиров ҳайдовчилар орасида ўз тажрибаси, касбига меҳр қўйганлиги билан эътибор қозонган; корхонада техник хавфсизликка амал қилиш борасида мунтазам йўриқномалар ўтказиш яхши самара бермоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**



## Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Учтепа туманидаги «Фарҳод» тўйхонасида Кувайт халқаро хайрия жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар ва Учтепа туман бўлимлари ҳамкорликларида Рамазон ойи муносабати билан уюштирилган хайрия тадбирида маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар вакиллари, фаоллари иштирок этишди.

● **БУГУН** 289-мактабда «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг Бектемир туман босқичи бўлиб ўтди.

● **БУГУН** 206-мактабда «Атлас кийган қизлар» мавзуида ўтказилган кўрик-танлов «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **БУГУН** Сергели туманидаги «Мустақиллик» маҳалла гузарида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган «Ёшларда соғлом эътиқод ғояларини шакллантириш — давр талаби» мавзуидаги давра суҳбатида «Дўстлик» маҳалласи фаоллари ҳам иштирок этишди.

● **КЕЧА** 126-мактабда Чилонзор туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла умидлари» маркази, туман хотин-қизлар қўмитаси қошидаги лидер қизлар уюшмаси ҳамкорликларида «Бўстон», «Гулистон», Ал-Хоразмий маҳаллалари қизлари иштирокида уюштирилган кўрик-танлов «Энг намунали уй бекаси» деб номланди.

● **КЕЧА** Тошкент алоқа коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Шайхонтоҳур туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати миллий урф-одатлар ҳамда анъаналарни ёшлар онгига чуқурроқ сингдириш масалаларига бағишланди.

● **БОБУР** номидаги маданият ва истироҳат боғининг ўйингоҳида «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман Кенгаши ташаббуси билан БУГУН уюштирилган «Камолот» кубоги спорт мусобақаларида туманда жойлашган олий ўқув юртлари жамоалари ўзаро беллашди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили*

## АЁЛ САЛОМАТЛИГИ — МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ

**Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбати «Аёл саломатлиги - миллат саломатлиги» мавзуига бағишланди. Унда Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатаси аъзолари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, хотин-қизлар қўмиталари мутасаддилари, нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.**

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг, айниқса, хотин-қизларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза этишга катта эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу борада қабул қилинган «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури каби ҳужжатлар муҳим омил бўлаётир.

Юртимизда замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган тиббий марказлар, сиҳатгоҳлар, шифо масканлари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари тобора кўпаймоқда. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ўсмир қизлар ва аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш, саломатлигини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Айни вақтда «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури асосида бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Оналик ва болаликни ҳимоялаш, репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширияпти. Жисмонан бақувват фарзандлар туғилишини таъминлаш ва уларни баркамол инсон этиб тарбиялашга йўналтирилган лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланмоқда.

Анжуманда оилавий поликлиникаларда аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишларини янада яхшилаш, врачлар малакасини ошириш, хотин-қизлар ўртасида тиббий-маърифий тадбирлар кўламини кенгайтиришга оид вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Ўзбекистон Республикаси Олий судида*

## ҲИМОЯЧИЛАР ВА СУДЛАНУВЧИЛАР ФИКРИ ТИНГЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий судида жорий йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 15 нафар судланувчига оид жиноий иш бўйича судда 27 октябрь куни айблов томони ва оқлов томонининг ўзаро музокаралари давом этди.**

Суд мажлисида оқлов томони музокара учун сўз олиб, жорий йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисмининг ўн икки банди, 155-моддаси 3-қисмининг икки банди ва бошқа моддалари бўйича айбланаётган Муйдин Собиров, Фарҳод Ҳамидов ва бошқаларга оид жиноий иш ҳолатлари судланувчиларнинг ўзлари берган иқрорлик кўрсатмаларидан ташқари, жабрланганлар, гувоҳлар, даъвогарларнинг кўрсатмалари, ашёвий далиллар орқали бир ой давом этган суд жараёнида батафсил ўрганилганини маълум қилди.

Шунингдек, судланувчилар А.Ғозиев, А.Иброҳимов, А.Турғунов, М.Ортиқов, Л.Имонқулов, Ж.Бурҳонов, В.Эргашев, F.Нодиров, Т.Ҳожиев, И.Ҳожиевнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳимоячиларнинг ҳимоя нутқлари тингланди.

Иш бўйича раислик қилувчи судланувчиларга яна бир бор процессуал ҳуқуқларини тушунтириб ўтгач, уларга музокара учун сўз берилди.

Судланувчилар суд мажлисида батафсил ўрганиб чиқилган жиноий иш ҳолатлари, айблов томони ва оқлов томонининг ўзаро музокаралари юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

Суд мажлисида 15 нафар судланувчига охирги сўз берилди.

Шундан сўнг суд ишида танаффус эълон қилинди.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Меҳрибонлик уйлари ва махсус ихтисослашган билим масканларида тарбияланаётган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

● **«Экология ва саломатлик кунлари»нинг учинчи босқичи тадбирлари доирасида Фарғона шаҳрида «Фарғона водийси: экологик хавфсизликнинг минтақавий муаммолари» мавзуида халқаро конференция ўтказилди.**

● **Тошкентда «Цемент саноати ва бозор» мавзуидаги бешинчи Марказий Осиё халқаро конференцияси якунланди.**

● **Самарқанд вилояти «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига қарашли қайта ишлаш корхоналари 260 минг тонна пахта хомашёсини қабул қилиб олишди. Мазкур хомашёнинг 82,5 фоизини биринчи нав ташкил этади.**

● **Геологлар Устюрт ҳудудлари ва Орол денгизининг сувдан бўшаган тубидан катта миқдорда оҳак, туз, гипс, нефть ва газ заҳираларини топдилар. Мутахассисларнинг ҳисоб-китоблари бўйича Оролбўйи минтақасида 1,5 триллион куб метр нефть ва газ ресурслари бор.**

● **Жиззахдаги «Меҳр-мурувват шаҳарчаси»да кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернати фойдаланишга топширилди.**

### Жаҳонда

● **Швейцария Олий суди Скайгайд авиакомпаниясининг ҳавода икки самолётнинг тўқнашиб кетишида айбдор деб топилган диспетчерини ўлдирган россиялик Виталий Калоевни саккиз йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди.**

● **Франция Президенти Жак Ширакнинг собиқ ёрдамчиси Мишель Руссен коррупцияда айбланмоқда. Унга нисбатан тўрт йиллик қамоқ жазоси ва 50 минг евро миқдорида жарима тайинланди.**

● **Бутун жаҳонда тарқалиб бораётган парранда гриппи Хитойда кўпроқ уй ҳайвонларида учрамоқда. Хусусан, сўнгги беш кун ичида Аньхой вилоятида 500 дан зиёд парранда нобуд бўлди, яна 2 мингдан кўпроғида эса хасталик аломатлари кузатилди. Айни пайтда зарур чоралар кўрилиб, товуқ ва ўрдаклар эмланмоқда.**

● **Ҳиндистоннинг Харен штатидаги Жайнис ибодатхонасидан 30 миллион долларлик қадимий ашёлар ўғирлаб кетилди.**







*Йигит омон бўлса...*

# «АСКАР — МАҲАЛЛА МЕҲМОНИ»

**Мустақил юртимиз, тинчлигимиз, мусаффо осмонимиз қўриқчилари — Куролли Кучларимиз сафларини фидойи, ватанпарвар ёшлар билан тўлдиришда бугунги кунда маҳалланинг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди. Ватан ҳимоясига отланган, барча танлов ва синовлардан ўтган соғлом, жисмонан бақувват, руҳан ва маънан баркамол йигитларни Миллий Армиямиз сафларига тантанали кузатиш, ўз йигитлик бурчини шараф билан ўтаб қайтаётган аскар ўғлонларни муносиб кутиб олишда маҳалла фаоллари томонидан кўрсатилаётган эътибор шулар жумласидандир.**

Куни кеча ана шундай тадбирлардан бири Яккасарой туманидаги «Табассум» маҳалла гузарида бўлиб ўтди. «Аскар — маҳалла меҳмони» деб номланган ушбу ажойиб учрашув миллий қадриятларимиз, урфодатларимизнинг том маънодаги кўриниши бўлди десак асло муболаға бўлмас.

Гап шундаки Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Яккасарой туман ҳокимлиги, туман «Маҳалла» жамғармаси ва Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида 2004 йил куз фаслида шу тумандан хизматга отланган ва ўз йигитлик бурчини муносиб ўтаб қайтаётган бир гуруҳ йигитларни ота-оналари бағрига катта тантана билан топшириш тадбири уюштирилди.

Ўзбекона чиройли дастурхон атрофида фарзандига интиқ, соғинч билан ўтирган ота-оналар ёнига карнай-сурнай садолари остида қўлларида чиройли гулдаста кўтарган аскар ўғлонларининг кириб келгандаги ҳаяжони, хурсандчилигу шодлигини сўз билан ифодалаш қийин.

Фарзандига тўймай қайта-қайта термулаётган ота-онанинг бундай тантанадан, кўрсатилган эътибордан кўнгиллари осмон бўлганини кўришнинг ўзи ташкилотчиларга яна бир карра ғайрату шижоат бағишлаган бўлса ажаб эмас.

— Тўртта фарзандим бор, — дейди ўғлига меҳр билан термулиб ўзини Саодат Азизова деб таништирган онахон. — Миржалол кенжатойим. Наманганда хизмат қилди. Ҳарбий қасамёд қабул қилган кун ва ундан кейин ҳам бир неча марта бориб келдик. Ватан ҳимоячиларига яратилган шарт-шароитларни кўриб кўнглим хотиржам бўлди. Ҳаммаси учун катта раҳмат демоқчиман. Ўғлим ва унинг дўстлари ҳамиша она Ватани тинчлиги, осудалиги учун хизматга шай турадилар, деб ишонаман.

— Хизматнинг қандай ўтганини ҳам сезмай қолдик, — дейди Бухорода ўз йигитлик бурчини ўтаган Отабек Боймуҳамедов. — Йигитлар учун Миллий Армиямиз сафига чақирилишнинг ўзи катта шараф, ғурур бўлиб қолди. Яратилган шарт-шароит, моддий ва маънавий кўмак тўғрисида ҳам алоҳида раҳмат айтсак бўлади. Келажакда ҳарбий бўлишни, қўрқмас, енгилмас Ватан посбонлари сафидан ўрин олишни дилимга тугиб келдим.

— Мамлакатимиз Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги 2005 йил 2 сентябрдаги Қарори ижросини юқори савияда ташкиллаштиришни кўзлаб ушбу тадбирни ўтказишни режаладик, — дейди биз билан суҳбатда Яккасарой туман Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси, Рўзи Турсуналиев. — Осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида собит турган мард йигитларимиз халқимизнинг уларга бўлган эътибори қай даражада юқори эканлигини кўрсинлар ва бундан ғурурлансинлар деган эзгу ниятни ҳам кўзладик.

Куй-қўшиққа уланган давра, юрт посбони шарафига айтилган илиқ калом узоқ вақт давра қатнашчилари қалбини ғурурга тўлдириб, хайрли ишларга бош бўлишларига хизмат қилади деб ният билдириб қоламиз.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Аскар — маҳалла меҳмони» тадбиридан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Ислоҳотлар оқимида*

# ФУҚАРОЛАР МАНФААТИНИ ИФОДА ЭТАДИ

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўтган ўн тўрт йиллик даври мобайнида амалга оширилаётган ислоҳотлар оқибати ўларок жамиятнинг барча бўғинларида бўлгани каби, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам тубдан янгиланиш жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Мазкур ҳуқуқий ислоҳотлар жамиятимизнинг, давлатчилик муносабатларининг янада такомиллашиб боришига, миллий демократик тадбирлар жаҳоннинг юксак ривожланган давлатлари қаторига тенглашишимизга хизмат қилиши лозим.**

Шу ўринда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар қатори суд-ҳуқуқ тизимидаги такомиллаштирилган янгиланишлар аввало инсон учун, фуқаролар манфаатини ифода этишга, уларнинг Конституция ва қонунларимизда белгиланган шахсий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини одил судлов ҳокимияти орқали тикланишига эришишга хизмат қилишни таъкидлаш жоиз. Бинобарин ҳуқуқий ривожланган фуқаролик жамиятини барпо этиш бош мақсадларимиздан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2005 йил 28 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида "Албатта биз, аввалгидек давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз", — дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ҳам Истиқлолдан сўнг босқичма-босқичлик тамойили асосида такомиллаштириб келинмоқда. Ўтган қисқа давр ичида амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотлар халқаро меъёрларга тўла мос келиб, халқаро тан олинган норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилди, ҳамда жамият ҳаёти учун муҳим бўлган қуйидаги тарихий йўлни босиб ўтди.

Биринчидан, кенг қамровли демократик тамойиллар асосида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ҳуқуқий асоси яратилди, яъни "Судлар тўғрисида"ги 1993 йилги дастлабки қонунчилик ҳужжатида бир қатор халқаро тан олинган тамойиллар ўз аксини топди. Кейинчалик янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги қонунчилик ҳужжатида эса судлар фаолияти механизми янада такомиллаштирилди, суднинг мустақил ва фақат қонунга бўйсинган ҳолда иш юритиши лозимлиги конституциявий меъёр сифатида амалда таъминланди. Шунингдек, Жиноят процессуал кодекси, Жиноят кодекси, Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ва бошқа қатор норматив ҳужжатларда қонунчиликда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ўз аксини топди. Жумладан, судларнинг ихтисослашуви уларнинг фуқаролик, жиноий ва хўжалик судларига ажратилиши ушбу соҳадаги кўрилаётган ишларни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш имкониятларини яратди, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлашга ҳамда ишларнинг ўз вақтида сифатли ижро этилишига имкон яратилди.

Иккинчидан, суд-ҳуқуқ ислоҳоти соҳасидаги энг катта ютуқларимиздан бири, бу — фуқароларнинг судларга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бўлган ишончининг ортганлигидир. Авваллари, фуқаролар судларга боришга ва орган ходимлари билан эркин учрашувга иккиланиб келишган бўлса, ҳозирда судлар орқали ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни энг ишончли йўл сифатида кўриши судларнинг жазоловчи орган эмас, балки кишилар манфаатларини таъминлашга кўмаклашувчи ҳимоявий орган эканлигининг фуқаролар онгига чуқурроқ сингдирилганлигининг натижасидир. Зеро, давлат томонидан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мазмун-моҳиятини ҳам шу жиҳатлар ташкил этади, яъни мақсадимиз юксак ҳуқуқий маданиятли, барча фуқароларнинг конституциявий ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинган, ҳурмат қилинадиган ижтимоий ҳаётда қонун устуворлиги таъминланадиган, фуқаролик жамиятини барпо этишдир.

Учинчидан, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг амалга ошиши босқичма-босқич, собитқадамлик билан қонунларни янада эркинлаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш билан боғлиқдир. Ушбу соҳадаги ислоҳотлар ҳам мустақилликдан сўнг жамият ҳаёти ривожлангани сари фуқаролар ҳуқуқий онгига мос равишда амалга оширилиб келинмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва янада эркинлаштириш борасида сўнгги йилларда бир қатор муҳим янгиланишлар амалга оширилди. Жумладан, "Жиноий жазоларни либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши, судгача бўлган даврда ярашув институтининг қонунга киритилиши, жазоларни либераллаштирилиши билан боғлиқ ўзгартиришдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармонлари жиноий жазоларни либераллаштиришнинг кейинги босқичи сифатида намоён бўлди. Жиноят, жиноят процессуал қонунчиликдаги бундай ўзгартиришлар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг тўлақонли таъминланишининг янги қадами бўла олишига шубҳа йўқ. Мазкур Фармонларнинг қабул қилиниши нафақат суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг узвий давоми, балки давлатимизнинг тарихий-сиёсий, давлат қурилиши, бошқаруви соҳасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Чунки, Ўзбекистондаги бундай ўзгаришларнинг ҳозирда қатор хорижий оммавий ахборот воситаларида шунингдек, ўта малакали ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳам эътироф этилганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Шу билан бирга мазкур Фармонларнинг кучга кириши учун муайян муддатларнинг белгиланиши (2008 йил 1 январ) бу соҳалардаги муҳим ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни, судлар фаолияти механизмини такомиллаштириш ва қайта кўриб чиқилиши учун, шу билан бирга ривожланган суд-ҳуқуқ тажрибаларини ўрганиш ва уларнинг илғор ютуқларини миллий ҳуқуқ тизимига ва ўзбекона одатларни инобатга олган ҳолда амалга киритиш имкониятларини беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари сари муҳим қадам ташланар экан, бундан асосий мақсад жамият ҳаётини янада одиллаштириш, Конституция ва қонунларимизда эътироф этилган инсонпарварлик ҳамда одиллик тамойилларини ҳаётимизнинг турли жабҳаларига кенг жорий этиш, ўзаро ҳурмат ва қонунийлик асосида юксалаётган фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир.

**Баҳром АҲРОРОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти доценти**

*Иқтисодиёт*

# ИЧКИ БОЗОРНИ ЎРГАНГАН ҲОЛДА

**Албатта, хонадонимизга меҳмон ташриф буюрса, уни ширинликлар билан сийлашга ҳаракат қиламиз. Тасаввур қилинг уйингизга беҳосдан меҳмон келиб қолди. Ҳали сиз дастурхонга ширинликлар тайёрлаб улгурмадингиз. Хўш, унда нима қиласиз? «Шодлик» қандолат комбинати ходимлари бу борада оғирингизни енгил қилиши аниқ.**

Номидан ҳам кўриниб турибдики, «Шодлик» маҳсулотлари ҳар бир хонадон бекасини қувонтирмай қўймайди, албатта. Айни дамда ушбу корхонада тайёрланаётган ширинликлар тури 50 хилдан ошган.

Байрам, тўй тантаналарида халқимиз хонадонига қувонч улашувчи «Шодлик» ходимлари ички бозорни ўрганган ҳолда ажойиб таъмдаги ва мазали ширинликларнинг янги турларини тайёрлаш билан шуғулланмоқдалар. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, корхона маҳсулотлари қадоқланишида ҳам бошқалардан ажралиб туради. Бунда эса ходимларга замонавий линиялар қўл келмоқда,

Буюртма асосида иш юритаётган корхона шаҳримизнинг 60 дан зиёд савдо шохобчалари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Шуниси эътиборлики, бу ерда буюртма бўйича тайёрланган маҳсулотлар эгаларига ўз вақтида етказиб берилади. Ширинликлар турини янада кўпайтириш устида иш олиб бораётган корхона қандолатпазларининг мақсади халқимизнинг доимо яхши кунларида хизматда бўлиш.

# ТАЛАБ АСОСИДА МАҲСУЛОТ

**Бунёдкорлик ишлари авж олаётган бир даврда қурилиш ашёларига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Ушбу талаблар асосида ўз фаолиятини бошлаган «Саидумарота фарзандлари» хусусий фирмасида ҳозирда бир неча турдаги қурилиш ашёлари ишлаб чиқарилмоқда.**

Бугунги кунда бетон, ғишт, шпатлёвка, гипс маҳсулотлари, безакли рейкалар, металл эшик, панжара ва деворлар, плиткалар ишлаб чиқарилаётган ушбу корхонада 20 нафарга яқин ишчи-хизматчи иш олиб бормоқда. Чет эл технологиялари ёрдамида ғовакли плиткалар ва гипсланган картонлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Бундан ташқари корхонада спорт анжомлари ҳам чиқарилмоқда. Корхона тадбиркорлари айни дамда бозор талабларидан, бугунги имкониятлардан келиб чиқиб иш олиб бормоқдалар.

**Орзугул РУСТАМОВА**




**КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.**
**Юсуфжон қизиқ Шакаржонов**

*Латифалар*

## БУЗОҚ СОТИБ ОЛИНГ

Сайилгоҳда митти кучукчани етаклаб юрган хонимга ўткинчи аёл ҳавас билан қаради:

–Тавба, каламушдан ҳам кичик-а, итингиз: Агар сотсангиз олардим.

–Сотаман минг доллар!

–Мана шу кўзга илинмайдиган миттивойга шунча ҳақ сўрайсизми, хоним?!

–Унда, сиз мол бозорига бориб, бузоқ сотиб олганингиз маъқул!

## ХОТИНЧАМГА ЁҚДИ

Дўкон сотувчиси харидордан сўради:

–Кечаги кучукларга аталган япон консерваси итингизга ёқдими?

–Итни билмадиму, аммо хотинчамга жуда ёқди.

## ЯНГИ ШИППАК

Бева аёл меҳмонга келган дугонасига кучукчасини мақтади:

–Ҳар куни уйқудан уйғонишим билан кучугим менга шиппагимни келтириб беради.

–Ие, жуда ажойиб-ку!?

–Яна бир ажойиб томони, ҳар гал янгисини келтиради.

–Янгисини қаердан топаркин?

–Қаердан бўларди, қўни-қўшниларникидан-да!

## ДУМИНИ БОСДИНГИЗ

–Итингиз кичкина бўлгани билан қопағон экан, менга хириллашини қаранг! Бундоқ, тумшуғбоғ боғлаб қўйинг-да!

–Дугонажон, ўзингиз ҳам кўзойнак тақиб олганингизда итимнинг думини босмаган бўлардингиз! Кўринг, думини босдингиз!

**Қўчқор АЛИМОВ**

## ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

«Новвос ўн олтига кетди, қойилмисан!»
**(Даллолнинг гапи)**

«Бозорда буғдойнинг нархи осмонга чиқиб кетибди».
**(Деҳқоннинг дегани)**

«-Қачон учмоқчисан?
- Бугун кечқурун».
**(Телефондаги суҳбатдан)**

«Шеригим янги мол олиб келиб мени синдирди».
**(Тадбиркорнинг гапи)**

«Кеча ўн гектарни урдик».
**(Тракторчининг дегани)**

«Ҳой бола, оғзингга қараб гапирсанг бўлмайдими?»
**(Йўловчининг танбеҳи)**

«Кеча ўғлим телевизорга чиқди, кўрдингизми?»
**(Улфатлар суҳбатидан)**

«Ҳадеб қизингизни эркалайвериб бошингизга чиқариб олдингиз, қани энди тушириб кўрингчи».
**( Хотиннинг эрига дегани)**

«Сизни юрагимдан ўчиролмаяпман, нима қилай?»
**( Ошиқ йигитнинг гапи)**

*Хандалар*

# БИР ЧИМДИМ ТАБАССУМ

— Хўп деяверинг хоним, шу келинга ўғлингизни уйлантираверинг. Бундан яхшисини топиш амри-маҳол.

— Нега ундай деяпсиз? Айтаётган қизингиз оқсоқ экан-ку?

— Оқсоқ бўлгани яхшида! Мана, айтайлик, Сиз оқсамайдиган қизни келин қилдингиз. Бирон кун фалокат босиб, қоқилиб-нетиб кетса, оёғини синдириб олса... йиғи-сиғи... дод-вой...Доктор топ... Оворагарчилик... Қўйди-чиқди... Бу қизда эса унақа гаплар бўлмайди. Хўш нима дейсиз? Маъқулми?

* * *

— Доктор, эшитишим қийин бўлиб қолди.

— Чекасизми?

— Ҳа.

— Ичасизми?

— Бўлиб туради.

— Аёлларчи?

— Бундан ҳам бенасиб эмасмиз.

— Унда буларнинг ҳаммасидан бутунлай воз кечиш керак бўлади.

—Фақат битта қулоқни, деб-а? Сира ҳам-да!!

* * *

Жиннихонада кўрик бўляпти.

— Бу шўрликнинг каллиги бошқага тегиб кетган. Шунга чидаёлмай касал бўлиб қолган.

Бошқа хонага киришади:

—Бу бемор эса, ўша калликқа уйланган.-

* * *

Шифокор қабулида:

— Ичасизми?

— Майли.

* * *

Бир йигит аптекага кириб, сотувчи қизга гап ота бошлади.

— Қизил икрангиз борми?

— Бор.

— Қораси-чи?

— Бор.

— Қизил балиқ ҳам борми?

— Топилади.

— Шуларнинг ҳаммасини харид қилсам бўладими?

— Бемалол, қани рецептингизни беринг.

* * *

Шифохонада.

— Бемор, кўзингизни очинг, уйғонинг.

— Тинчликми? Нима бўлди?

— Мен уйқу дори олиб келдим сизга.

* * *

— Қизим, чой ичсам ўнг кўзимга бир нарса тегиб туради-я.

— Бувижон, чой ичаётганда қошиқни стакандан олиб қўйинг-да.

* * *

Она тўрт яшар ўғлини асаб касалликлари шифокорига олиб борибди.

— Қани болакай, айтчи, мушукнинг нечта оёғи бор?

— Тўртта

— Мушукнинг қулоғи нечта?

— Иккита.

— Унинг думи ҳам бўладими?

— Ойижон, нима бало, манави телба одам умрида мушукни кўрмаганми деймана?

*Олимлар ҳаётидан бир шингил*

## ҚАЛТИС ВАЗИФА

Машҳур немис олими Герман Гельмогольцга хизматлари учун Пруссия ордени капитулининг вице-канцлери унвони берилибди. Шунда у капитул канцлери граф Менцелга мурожаат қилиб, ўз вазифалари нимадан иборат эканини сўрабди.

— Мен вице- канцлер бўлганимда, «ягона вазифангиз канцлер ўрнини эгаллаш учун унинг вафот этишини кутиш», деб айтишган,— жавоб берибди Менцель.

## МАОШНИ КЎТАРМАНГ

Кунлардан бир куни қиролича Анна Гринвич обсерваториясига ташриф буюриб, унинг директори Жеймсом Брэдли билан суҳбатлашибди. Ундан иши, олимларнинг ихтиролари ҳақида сўрабди. Ташриф сўнгида олимларнинг иш ҳақи билан қизиқибди. Брэдли ўз маошини айтибди. Ҳайрон қолган қиролича:

— Шунақа кам ҳақ тўлашадими? Сизларнинг маошингизни кўтариш ҳақида дарҳол фармон чиқараман,–дебди. Брэдли эса кутилмаганда:

–Ҳазрати олиялари, илтимос, асло ундай қила кўрманг,- деб ёлборишга тушибди.

–Нима учун?

–Унда мен эгаллаб турган лавозимга сарой пешволари тайинланиши турган гап.

## ЗАҲАРНИНГ ТАЪСИРИ

Француз олими Бернар Фонтенель юз йил умр кўрибди. Бир куни унинг жисмоний ҳолатини текширгани келган шифокор олим кофе ичаётганини кўриб қолибди ва кофенинг заҳар эканини тушунтира бошлабди. Фонтенель жилмайиб:

— Доктор, фикрингизга тўла қўшиламан. Аммо бу заҳар жуда секин таъсир кўрсатади шекилли, деярли 90 йилдан буён уни ичаман, бироқ кўриб турганингиздек, ҳамон тирикман,— деб жавоб берибди.

## АКАДЕМИК ҲАЙДОВЧИ

Фанлар академиясига сайлов ўтказилибди. Янги аъзоларга овоз бериш вақтида комиссия аъзоларидан бири қатъиятлилик қилиб, кўрсатилган номзодга қарши чиқибди. Шунда таклиф этилаётган номзод «катта»га «яқин» эканини тушунтира бошлабди.

— У ҳолда мен академикликка «катта»нинг ҳайдовчисини сайлашни таклиф этаман, чунки у деярли доим «катта» билан бирга, ҳатто ундан олдинрокда ўтиради,— деб жавоб берибди қатъиятли олим.

## ҚУРУҚЛИКДА ҚУРУҚ ҚОЛГАНЛАР

Собиқ денгизчи Рональд Сельдстрем Швецияда чоп этиладиган газеталардан бир нечтасида «денгиз касаллиги»дан қутулишнинг дунёда ягона безарар, осон, арзон ва юз фоиз кафолатланган усулини билишини ёзган ва бор-йўғи 3 кронанинг бахридан кечишга рози бўлганларнинг барчасига бу усулни йўллашини ваъда қилган. Денгиз бўрисининг гапига лаққа тушиб, ўн минглаб соддадил муштарийлар пул жўнатишган ва қуйидаги жавобни олишган: «Қуруқликда қолинг!"

# ШУНДАЙ ДЕБ ЎЙЛАЙМАН

## ИНТЕРМЕДИЯ

**Мухбир:** Мўтти сингари эл оғзига тушган шотир..., э, шогирдларга устозлик қилгансиз. Улардан яна бирортасининг номини айта оласизми?

**Жўқи Жабрий:**– Айта оламан, деб ўйлайман.

**Мухбир:**–Қани, айтинг бўлмаса. Бошқа шогирдлар йўқми?

**Жўқи Жабрий:**– Бошқа шогирдлар йўқ, деб ўйлайман.

**Мухбир:**-Энди айтинг-чи, янги йилда серсув..., Э, сермазмун шеърлар тўпламингиз чиқармиш, деган шов-шув гаплар юрибди. Шеърларни бирор нашриётга топширдингизми?

**Жўқи Жабрий:**-Топширдим, деб ўйлайман.

**Мухбир:**-Бирор янги шеърдан эшитсак бўладими?

**Жўқи Жабрий:**-Эшитсак бўлади, деб ўйлайман.

**Мухбир:** - Қани бўлмаса эшитайлик, қулоғим сизда?

**Жўқи Жабрий:** – Қулоғим сизда деб ўйлайман.

**Мухбир:** – Э, қанақа одамсиз ўзи? Нега сизнинг қулоғингиз менда бўлади? Одамни хит қилиб юбордингиз-ку битта гапни қайтараверib. Мен зарур ишларни қолдириб радиокомитетнинг "Жўқи Жабрийдан интервью олиб келинг" деган махсус топшириғи билан ҳузурингизга келганман.

Бирор янги гап айтасизми?

**Жўқи Жабрий:**– Янги гап айтаман деб ўйлайман.

**Мухбир:** Хўп. Бўлмаса оилангиз ҳақида гап юрита қолайлик. Бир хил одамлар сизни уйланган дейишса, бошқалари элликдан ошса ҳам ҳали бўйдоқ юрибди дейишади. Ҳақиқатан бўйдоқмисиз?

**Жўқи Жабрий:** – Ҳақиқатан бўйдоқман деб ўйлайман.

**Мухбир:** -Ия, ўзингиз ҳам билмайсизми бўйдоқ ё бўйдоқмаслигингизни? Балки бирортасига уйлангандирсиз?

**Жўқи Жабрий:**– Бирортасига уйланганман деб ўйлайман.

**Мухбир:**– Ундай бўлса фарзанд туғилгандир?

**Жўқи Жабрий:**– Фарзанд туғилган, деб ўйлайман.

**Мухбир:**– Биттами ё иккитами?

**Жўқи Жабрий:**- Битта ё иккита деб ўйлайман.

**Мухбир:**- Уйланган бўлсангиз, келинойим уй бекасимилар ёки бирор жойда ишлайдиларми?

**Жўқи Жабрий:**-Бирор жойда ишлайди деб ўйлайман.

**Мухбир:**-Ўзингиз журналда ишлар эдингиз, ҳозир ишлаяпсизми ёки нафақага чиқдингизми?

**Жўқи Жабрий:** - Нафақага чиқдим деб ўйлайман.

**Мухбир:** - Қачон? Бу йилми ё ўтган йилими?

**Жўқи Жабрий:** Бу йил ё ўтган йили деб ўйлайман.

**Мухбир/ўзини тутолмай/:** –Кечирасизу, сиз одам эмас, битта гапни ҳадеб қайтараверадиган тўтининг ўзи бўлиб қолибсиз. Сизни бирор психиатрга кўрсатиш керак?!

**Жўқи Жабрий:**-Сизни бирор психиатрга кўрсатиш керак, деб ўйлайман.

**Мухбир/фиғони фалакка чиқиб/:**–Нима, нима?! Сизними ёки менними?!

**Жўқи Жабрий:** Сизни ёки мени, деб ўйлайман.

**Мухбир:**– Тфу!!! /овоз ёзиш асбобларини йиғиштириб, жаҳл билан чиқиб кетади/**

**Жаҳонгир ПИРМУҲАМЕДОВ.**

**Саҳифа материалларини кулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.**

*Биз ва жаҳон*

## ГФР СИЛ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШДА КЎМАКЛАШАДИ

**Бир неча йиллардан буён Германия Федератив Республикаси ҳукумати мамлакатимизда сил касаллигига қарши курашда ёрдам кўрсатиш бўйича лойиҳани ҳаётга тадбиқ этишда кўмаклашиб келади.**

ГФРнинг Тошкентдаги элчихонаси хабарига кўра, Германия Федератив Республикаси ҳукумати лойиҳадаги Германия улушининг бундан кейинги молиялаштирилиши учун Сил касаллигига қарши кураш Дастурини қўллаб-қувватлаш ҳамда Ўзбекистонга 2,5 миллион евро ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сил касаллигига қарши кураш Дастури республикамизнинг соғлиқни сақлаш муассасалари учун лаборатория жиҳозлари, тиббий техника ҳамда дори-дармонлар харид қилишни кўзда тутади.

Тегишли шартномани тузиш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати билан музокаралар олиб бориш Иқтисодиётни тиклаш бўйича Кредит идорасига (KfW) юклатилди.

**Ўзбекистон Шоликорлик илмий-тадқиқот институти аспиранти М.Эргашев ҳозир Япониянинг Цукуба университетида маҳаллий олимлар билан ҳамкорликда гуручнинг юқори сифатли навларини селекция қилиш ва янги навларни яратиш борасида илмий изланишлар олиб бораяпти.**

## ЯПОН ШОЛИКОРИ — ЎЗ ИШИНИНГ УСТАСИ

— Гуруч сайёрамиздаги уч миллиард одам ҳар куни истеъмол қиладиган маҳсулотдир, — дейди М.Эргашев. — Аксарият Шарқ таомларининг асосини гуруч ташкил этади. Бир пайтлари Япония аҳолисининг фаровонлиги айнан гуруч миқдорининг кўп ёки озлиги билан ўлчанган. Мен Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) йўлланмаси билан ушбу мамлакатга келганимга олти ойдан ошди. Япон шоликорлик технологиясини, ушбу соҳадаги замонавий ўзгаришлар ҳамда маҳаллий мутахассисларнинг селекция усулларини ўрганишга кўпдан бери қизиқиб келар эдим. Айтиш керакки, шоликорликнинг кўп асрлик тарихи давомида японлар бу соҳанинг ҳақиқий усталарига айланган.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда Японияда 2,7 миллион гектар майдонга шоли экилади.Маълумки мамлакатимизда ерга шолининг уруғи экилади, Японияда эса унинг кўчати қадалади. Бу ерда кўчат экиш усули жуда такомиллашиб кетгани боис бир гектар майдонга бизнинг шароитимиздагидан кўра камроқ уруғ, ўғит ва сув сарфланади. Ўртача ҳосилдорлик эса 5,2 тоннани ташкил этади. Бу биздаги кўрсаткичдан бир тонна кўп, демакдир.

Японлар гуручнинг касалликларга чидамли, серҳосил навларини яратиш, шоликорликни компьютерлар ёрдамида бошқариш усулларини жорий этиш борасида ҳам катта ютуқларга эришган.

М.Эргашевнинг маълум қилишича, унинг тадқиқотлари Ўзбекистонда шолини айнан кўчат ҳолатида экишни кенг йўлга қўйиш ҳамда кам сувли ва тузли ҳудудларда шоликорликни ривожлантиришга қаратилган. Унинг фикрича, хорижий мамлакатлар, хусусан, Япония тажрибасини қўллаган ҳолда шолининг ноқулай шароитларга чидамли ва серҳосил навларини яратиш мумкин. Шу маънода япониялик ҳамкасблар билан ҳамкорлик ва ўзаро тажриба алмашиш яхши истиқболга эгадир.

**"Жаҳон" АА**

*Турфа олам*

## БЕДОР ИЗҚУВАР

Йозеф Хайкамп мана ўн етти йилдан бери уйқу нима эканлигини билмайди. Унинг асли касби металлург. Хайкамп ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодиса натижасида уйқусизлик хасталигига дучор бўлган экан.

Ана шу воқеа содир бўлгандан бери уни ҳар куни кечқурун Кельн шаҳрининг қоронғи ва тор кўчаларида учратиш мумкин. Ҳар доим у Хассо исмли овчарка ити билан сайр қилади. Шаҳар полициячилари Й. Хайкампга изқувар деб ном қўйишган. Гап шундаки, у ўн етти йил мобайнидаги тунги саёҳатлари вақтида ўғирланган 362 автомобиль ва 90 мотоциклнинг қаерда турганлигини аниқлаб, бу ҳақда тартиб посбонларига маълум қилган.

## ЎЗ УЙИНГ— ЎЛАН ТЎШАГИНГ

Индонезиянинг Калимантан шаҳридаги Тоулар оиласида узунлиги олти метрдан ортиқ келадиган каттакон илон яшайди. У бундан олти йил аввал жунглидан топиб олинган тухумдан очиб чиққан эди.

Мазкур оиланинг "доимий аъзоси" бўлган илонга Си Беланг деб ном қўйишган. Уч ёшли Карим Тоу ҳеч қўрқмай уни кунига икки мартадан чўмилтиради. Кечаси илон Карим ва унинг синглиси билан бир ўринда ётади.

Яқинда Тоулар бу илонни жунглига ташлаб келишди. Бироқ, олтмиш килоли Си Беланг тез кунда қайтиб келди. Ҳозир илон яна Тоулар уйида яшамоқда.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2005 йил 28 октябрдаги қарорларига асосан тугатилган корхоналар рўйхати

| № | Корхона номи | Мақоми | СТИР | Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами | | ХТУТ (ОКРО) | Хўжалик судининг қарори рақами | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | NISHONBOY | ХФ | 202612663 | 17.07.1998 | 407\1 | 17056691 | 10-0519/10285 | K2! |
| 2 | MIRAS | ХФ | 203300670 | 07.06.2000 | 660 | 17709576 | 10-0519/10286 | NK2 |
| 3 | SARDOR PLAST | ХК | 205046090 | 11.05.2004 | 000330-03 | 19596627 | 10-0519/10287 | |
| 4 | XIF MASLAXAT | МЧЖ | 202546516 | 20.04.1998 | 219/2 | 17001995 | 10-0519/10288 | K2 |
| 5 | FAVORIT TUR | ХК | 204830881 | 05.02.2004 | 000183-03 | 19320546 | 10-0519/10289 | |
| 6 | ANIGER | ХФ | 203440252 | 31.10.2000 | 1665 (3465) | 17855616 | 10-0519/10290 | |
| 7 | GIV TAOMLARI | ХК | 204903330 | 02.03.2004 | 000231-03 | 19395082 | 10-0519/10291 | |
| 8 | RAVINA | ХФ | 202840261 | 17.03.1999 | 581 (638) | 17294980 | 10-0519/10292 | |
| 9 | ALSFIK-TA'MIRQURILISH | МЧЖ | 200644689 | 01.04.1996 | 203-К | 14933632 | 10-0519/10293 | NK2 |
| 10 | NURLI HAYOT | МЧЖ | 203677732 | 16.08.2001 | 1561 | 18189251 | 10-0519/10294 | |
| 11 | IRYAMFZ | ХФ | 200506677 | 08.02.1993 | 35/4 (1344) | 15153886 | 10-0519/10295 | |
| 12 | OST-VEST | ХК | 204640880 | 11.08.2003 | 1284 | 19204353 | 10-0519/10296 | K2 |
| 13 | IMAJ-SERVIS | МЧЖ | 205340185 | 17.01.2005 | 000726-03 | 19881010 | 10-0519/10297 | |
| 14 | MIRSHARIF | ХФ | 204466084 | 28.03.2003 | 611 | 18985752 | 10-0519/10298 | K2 |
| 15 | BAGISTON-TEKSTIL | МЧЖ | 204734004 | 01.12.2003 | 000072-03 | 19287168 | 10-0519/10299 | |
| 16 | PRORIV | МЧЖ | 204013655 | 19.04.2002 | 389 | 18524778 | 10-0519/10300 | N |
| 17 | OSTOF-QURILISH | МЧЖ | 204655807 | 29.08.2003 | 1355 | 19204001 | 10-0519/10301 | N |
| 18 | PRESSA XABAR | ЁТАЖ | 202575339 | 17.05.1998 | 1126 | 17025955 | 10-0519/10302 | |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Кредиторлар икки ой мобайнида Миробод тумани ҳокимлигининг махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

### Тошкент шаҳар хўжалик судининг **2005 йил 17 октябрдаги** ажримларига асосан қуйидаги корхоналарни банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, уларга нисбатан кузатув жараёни бошланди

| № | Корхона номи | Мақоми | СТИР | Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами | | ОКПО | Хўжалик судининг ажрим рақами | Муваққат бошқарувчи | Банкротлик иши қуйидаги кунда ва соатда кўрилади | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | GEKSAN | МЧЖ | 203881511 | 11.02.02 | 110 | 18412252 | 10-0519/10642 | Шайхов С. | 02.11.05 | 17-30 |
| 2 | DINASH-BIZNES | ХФ | 204165593 | 13.09.02 | 1071 | 18659550 | 10-0519/10643 | Шайхов С. | 02.11.05 | 17-20 |
| 3 | TALAMUS | МЧЖ | 203162883 | 02.03.00 | 217 | 17635062 | 10-0519/10644 | Усмонов Д. | 02.11.05 | 17-10 |

Кредиторларнинг йиғилиши **2005 йил 1 ноябрда** соат 11-00да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар қуйидаги манзилда давом этмоқда: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23а-уй, 603-хона.
Банкротлик иши **2005 йил 2 ноябрда** Тошкент шаҳар Хўжалик судида, Чўпон ота кўчаси, 6-уй, 3-залида кўрилади.

**Қутлаймиз!**

*Қадрдонимиз Убайдулла Рихсибоевич Турсунов!*

***Сизни қутлуғ 50 ёшингиз билан муборакбод этамиз! Ҳамиша оилангиз, фарзандларингиз, дўсту биродарларингиз камолини, бахтини, энг шодон кунларини кўриб ҳурмату эъзозда юриш насиб этсин. Сиздек матбаа соҳасининг фидойисига энг ҳузурбахш, гўзал, чароғон ва нурафшон кунларни тилаймиз. Юзингиздан нур, лабингиздан табассум ҳеч қачон аримасин. Бахтимизга доимо соғ бўлинг.***

*Қариндош-уруғлар, дўсту биродарлар номидан*

**Ҳабибулла ТУРСУНОВ**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиш доимо бўлур...

● Яна Барзу ал Ҳаким сўзлади:

— Бир неча нарса борки, улар бошқа нарсаларга доимо тобедир.

Масалан, мурувват ақлга, рой ва тадбир тажрибага, яқинлик муҳаббатга.

● Бир ҳакимнинг ўз ўғлига насиҳат қилганлари:

— Эй ўғлим, қилаётган ишинг кичкинагина гуноҳ бўлса ҳам уни ҳеч қачон кичик деб санама. Одамларга яхшилик қилишнинг толиби бўл, ундан сенга яхши фойдалар етади. Кучинг борлигича душманни ҳадеб эзаверма, пайт пойлаб, жонидан тўйгач, сени ҳалок этиши мумкин. Одамнинг ёлғончи эканлигини билиб туриб, айтган гапида жон бордир деб ўйлаб, унинг гапига қараб иш тутма! Шубҳали ва гумонли ишларга қўл урма, сўровчини ноумид ҳолда қайтарма! Ўзингга ёқмаган нарсаларни бировга раво кўрма. Бировга қилган ҳар бир яхшилик ёки ёмонлик куни келиб ўзингга қайтишини эсдан чиқарма!

● Уч киши оғир азоб тортишга сазовордир. Биринчиси, бегуноҳ кишига ноҳақ ситам қилган киши. Иккинчиси, таклиф этилмаса ҳам ўтиришда тўрга чиқишга интилган киши. Учинчиси, биров эшитишни истамаса ҳам, зўрлаб гапирган киши!

● Икки тоифа киши борки, бирор нарсани орзу қилади, аммо бунга етиша олмайди. Биринчиси, гуноҳ қилиб қўйиб, азобдан қутулмоқчи бўлган киши. Иккинчиси, ўз бойлиги билан дунёда ҳаловат топмоқчи бўлган бадавлат киши!

● Ҳар кимнинг ичи болалар ноғораси каби бўш бўлса, унинг беҳуда овози халқ миясини, ўзининг эса халқум дарвозасини қиртишлайди.

● Яхши сўз бебаҳо бойлик асоси, камгаплик эса саломатлик сармоясидир.

**Сўз айтсанг сен фақат**
**фойдали сўз айт,**
**Бу билан жой олгин**
**элнинг дилидан.**
**Бўлмаса сўзламай**
**жим ўтир, чунки,**
**Инсонга не келса**
**келар тилидан.**

● Қадимий Юнон ҳакимларининг айтишларича, кимки беақл ва енгил бўлса, ўйламай сўзлашда дадил бўлади. Бундай кишилар сўзнинг шахвор дур эканини ва уни беҳуда сочиш одам учун путур эканини билмайдилар.

● Форс донишмандларидан Барзуя ал Ҳаким насиҳатлари. У ёзади:

— Ҳар нарсанинг пайдо бўлиши учун бир сабаб бўлади. Шунинг учун нимаики вужудга келган бўлса, аввало унинг сабабини қидирмоқ лозим. Масалан, яхши ҳаёт кечириш сабаби муроса, сирнинг ошкор бўлмаслиги сабаби ўзгаларга ёмон ниятда кўз тикмасликда, гина сабаби бадфеълликда, дўстлик сабаби очиқ юзлиликда, жудолик сабаби азоб, адоват сабаби хилофлик, хорлик сабаби таъма, иззат сабаби қаноат, нажот сабаби ростлик, улуғлик сабаби тавозе.

### ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## АРОСАТДА ҚОЛГАН ЙЎЛОВЧИ

— Бухорога қайси автобус биринчи бўлиб жўнайди? — сўраймиз ёнма-ён бир сафда қатор тизилиб турган «Тошкент-Бухоро» йўналиши бўйича қатновчи ҳайдовчилардан.

— Мен кетаман.

— Йўқ, мен ҳозир жўнайман.

— Отахон, яхшиси манави бўшгина автобусга чиқинг. Бемалол олдинги ўриндиқларга ўтириб қийналмай кетасиз, — дейди ёшгина бола /ҳайдовчиларнинг дастёри бўлса керак/ кўлимиздан тортиб.

Қайси автобусга чиқишни билмай ўртада аросатда қолдик. Ҳайдовчилар эса келган йўловчи борки, бараварига «Мен биринчи кетаман» деб ўзларининг машиналарига чиқаришга ҳаракат қилишади.

Бетартиб «мен кетаман»нинг охири росмана муштлашувга айланди. Йўловчи чорлашда бир-биридан ўзмоқчи бўлган икки ҳайдовчи асабини жиловлаб олмай, бирдан ёқа олишиб қолишди. Улар ўртасига дастёр болалар аралашди. Ана энди кўринг томошани.

Яхшилар ўртага тушиб уларни ажратиб қўйишди. Лекин унгача шовозлар бир-бирига анча-мунча мушт тушириб қолишди. Калтак зарбидан кимнингдир кўзи кўкарди, кимнингдир юзи, бурни қонади.

«Отчопар» бекатидаги бундай тартибсизлик бизни ҳайратга солди. Ахир бу ерда шаҳарлараро автобуслар ҳаракатини тартибга солиб турадиган назоратчилар бордир. Нега улар қайси автобус қай соатда жўнашини назорат қилишмайди? Қачонгача йўловчилар аросатда сарсон-саргардон бўлишади?

Чипталар хусусида ҳам икки оғиз гап. Умуман бекатда чипта сотувда ҳам тартиб-интизом йўқ. Йўл баҳосини ҳайдовчиларнинг ўзлари белгилашади. Биттаси Бухорогача 5 минг сўраса, яна бошқа бирови 4 минг дейди. Ҳатто ундан кўп ва кам сўрайдиганлари ҳам бор. Шунақа ўзбошимчалик ва тартибсизликлардан боши қотган йўловчи бечора қайси автобусга чиқишини билмай ўйланиб қолади.

## УВОЛИ КИМНИ ТУТАДИ?

Яқин танишимиз ифторликка таклиф этди. Бордик. Эшик тагида қатор тизилган ҳассакашлар хонадонга таклиф этилганларни тавозе билан кутиб олишяпти. Ичкарида тумонат одам. Бир қарашда бу оилада ифторлик эмас, тўй бўлаётгандек. Иккита катта уй, узун кетган айвон. Йўловдаги бостирма тагида қилинган жойлар деярли тўла. Шундай бўлса-да маросимга қадам ранжида қилаётганларнинг кети узилмайди. Бир гуруҳ хизматчилар ҳовлига қўшимча жой ҳозирлаш билан овора.

Биз ҳам аранг ҳовлидаги ўтиргичлардан ўрин олдик. Олдимизга бир зумда дастурхон тўшалди. Устига турли анвойи нозу неъматлар қўйилди. Бадастир дастурхонга ҳамон мева-чевалар, пишириқлар келтирилиб турилибди.

Оғиз очишга улгурмай кетма-кет иссиқ сомса, кетидан қовоқ сомса қўлма-қўл ўтди. Ёнимдаги ҳамроҳим гап қотди.

— Тавба, бу ерда нима бўляпти ўзи? Хатми қуръон билан ифторлик қилиняптими ёки тўй ўтказиляптими? Ўтирганларнинг сони камида 300 чоғли бўлса керак.

— Ундан ҳам кўп деяверинг.

Биринчи таомдан сўнг, домла маъруза бошлади. Унинг суҳбатидан рўзаи рамазоннинг қадр-қиммати, унинг афзалликларидан тортиб, ифторликларни ихчам ўтказишгача бўлган мавзулар ўрин олди.

— Давраларда, йиғинларда мана шунақа тадбирларни, айниқса маросимларни ихчам ўтказиш ҳақида қанча гапирилади. Лекин кўпчилик ўз билганидан қолмайди, — дейди домланинг маърузасини тинглай туриб ҳамроҳим.

Ҳали маъруза тугамай туриб, иккинчи таом келтирилди. Кейин дастурхонга қовурилган балиқ, норин, кетидан кабоб тортилди. Кимлардир, қайсидир таомдан тотиб кўрди. Кимлардир унга мутлақо қўл урмади.

—Ахир битта қорнига қанча таом ейиш мумкин, раҳмат, тўйдик, дейишади даврадагиларнинг кўпчилиги ёнидаги ҳамроҳларининг «олинг, олинг»идан хижолат тортиб.

Бу ҳолатни кўриб ўйланиб қолдик. Илгари бой-бадавлат оила бошликлари дабдабали тўй ўтказиш билан ўзларини кўз-кўз қилмоқчи бўлишарди. Энди улар ифторликларни ҳам шунақа шуҳратпарастликка айлантиришибди-да. Бунақа исрофгарчилик билан ўтказилган дуои фотиҳанинг нафи кимга тегаркин? Қолаверса у ижобатга ўтармикан? Шу топда шунақа тубсиз саволлар фикри зикримизни банд этган эди.

## КИЧКИНТОЙЛАР ДАВРАСИДА

Тунов куни набирамни олгани боғчага бордим. Ҳаммаёқ озода, саранжом-саришта.

Набирамни сўраб-суриштирган эдим хизматчилар:

— Шу ерда, юринг бобо, ичкарига киринг, — дея кўярда-қўймай катта хонага бошлаб кетишди. Кенг ва ёруғ залда бир гуруҳ қувноқ кичкинтойлар турли хил қўғирчоқлар билан «тиллашиб» ўтиришарди. Йўлбарс, филча, кучукчаю мушукчалар — улар шунчалик кўпки, қараб кўзингиз қамашади. Ўйинчоқларга ҳавас билан тикила туриб эсимга ёшлигдаги бир воқеа тушиб кетди.

Оғир йиллар эди. Отам билан онам саҳар туриб ишга кетишар, биз акам билан улар қолдирган «насиба»ни баҳам кўрардик-да, уй ва ҳовлиларни супуриб, сидиришга тушардик. Ҳаммаёқни тартибга келтириб бўлгач, севимли машғулотимиз — лойдан турли ўйинчоқлар ясашга киришардик.

Бир куни акам менга каттагина тойча ясаб берди. У менга жуда-жуда ёқиб қолдики, қўлимдан қўймадим. Кечаси ётар чоғимда уни бош томонимга олиб келиб қўйдим.

Эрталаб кўзимни очсам тойча йўқ. У тонгги шабнамда уваланиб, бурдаланиб кетибди. Бир йиғладим, бир йиғладим. Ўша куни акам бир нечта тойчалар ясаб берди. Лекин ҳеч бири кечаги мен ётқизган тойчага ўхшамайди...

Айни дамда бир-биридан чиройли ўйинчоқлар, қўғирчоқлар даврасида шўх-шодон, ўйнаб-кулиб ўтирган кичкинтойларни кўриб, беихтиёр хаёлимга «Нақадар бахтлисиз, болажонлар» деган сўз такрор-такрор келаверди.

## МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

**29 ОКТЯБРЬ, ШАНБА**

**Мунажжимларимиз таъбирлари ҳар доимгидек сайёраларнинг жойлашиши, уларнинг бир-бирларига муносабатларига асосланади ва ҳаётнинг серқирра ва сержило қонуниятларини очиб беради. Масалан, С.Илҳомов қисқа муддатли ва долзарблигини тез йўқотадиган ишлар учун, севги-муҳаббат, никоҳ тўйлари ва висол онлари учун бугунги кун хайрли бўлишини башорат қилади. Унинг фикрича, сафарлар ҳамда дарахт кўчатларини ўтқазиш, соч олдириш ҳам бугун яхши бўлади. Лекин олов ва маъдан билан боғлиқ барча ишларга бугунги кун омадли бўлмайди.**

Бугун туғилган инсонлар жуда меҳнатсевар, қатъиятли ва шижоаткор бўлишаркан. Уларнинг бутун ҳаёти меҳнатда, оила ташвиши ва фарзанд тарбияси ғамида ўтади. Булар эвазига улар табобатчилик қобилияти билан ажралиб туришади ҳамда табиат қонунлари илмидан чуқур бохабар бўлишади. Воқеа-ҳодисалар моҳиятини аниқлаш, тўғри хулосалар чиқариш уларнинг муҳим фазилатлари ҳисобланади.

Бу кеча кўриладиган тушлар муҳим аҳамиятга эга бўлади.Улар талқинини эса таъбир китобларидан ўқиб олишингиз мумкин.

**ШАНБА МАСЛАҲАТЛАРИ:**

— меҳнат ташаббусини намоён этиш;

— бир йўла бир неча иш билан шуғулланиш;

— ўқиш, малака ошириш, имтиҳон топшириш, синовдан ўтиш;

— амалий алоқалар ўрнатиш, музокаралар олиб бориш;

— чорбоғда ишлаб, дарахтларга шакл бериш, баъзи дарахт кўчатларини ўтқазиш;

— ҳар қандай харидлар билан машғул бўлиш;

— дўстлар зиёфатида ўйнаб-кулиб, дам олиш;

— ота-оналар ва кекса қариндош-уруғларни бориб кўриш тавсия этилади.

Умумахлоқ қоидалари ва муомала маданиятига эътиборсизликдан эҳтиёт бўлинг.

**30 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА**

**Мунажжимларимиз, сайёраларнинг самодаги жойлашиши бугун улар инсонларга ҳайрихоҳликларини билдиришини таъкидлашган.**

Яна бир таъбирга кўра,бугун башоратли тушлар куни бўлиб, улардан олинган ахборотлардан ўнгингизда фойдаланишингиз мумкин. Бугун қалбингизни сокин хурсандчилик тўлдириши керак. Мабодо, шундай бўлмаса, у ҳолда сиз фазовий уйғунлик доирасидан ташқарида бўласиз ҳамда меҳрмурувват ва виждон танқислигидан иложи борича тезроқ халос бўлишингиз керак бўлади.

**БУГУН:**

— молиявий ва турар-жой муаммоларини ҳал этиш;

— ҳамкасбларингиз ва қўл остингиздагилар билан муносабатларни тартибга солиш;

— уйингиз файзи ҳақида қайғуриб,енгил таъмирлаш ишларини бошлаб юбориш;

— ташқи қиёфангизга эътибор қилиб, одамларга хушмуомала ва ҳайрихоҳ бўлиш;

— жамоат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият вакиллари билан учрашиш;

— таҳлилий истеъдодингизни тўлалигича намоён этиш тавсия қилинади.

Махсус аниқликни талаб этадиган иш билан шуғулланишдан ўзингизни тийинг.

**31 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА**

**Ойнинг энг мураккаб, ноқулай кунларидан бири бўлган бугун муҳим ишларга қўл уриб бўлмайди, дея таъбир қилишади мунажжимлар. Бугун уйингиз, оилангиздан узоққа кетиб қолманг. Оддий кундалик ишлар билан, чунончи, уйларни йиғиштириб, рўзғор юмушлари, турли харидлар билан шуғулланиш мумкин.**

Эски ишларингизни ниҳоясига етказинг, қарзларингиздан узилинг, уйингизни кераксиз ахлатлар, эски-тускилардан тозаланг. Хоналарга исириқ тутатиб чиқиш яхши. Бемаъни ўй-хаёллар, қўрқув, хавотирларни миянгиздан ҳайданг, қоронғу жойларга кирманг.

**ДУШАНБАДА:**

— иложи борича ҳар қандай ишдан дам олиш;

— зарурат бўлса – одатий кундалик ишларни давом эттириш;

— ҳар қандай вазиятда хотиржамлик ва ишончни йўқотмаслик;

— мураккаб ҳолатларда ёрдам сўраб, ота-онларингиз, қариндошлар, ҳамкасбларга мурожаат этиш;

Фаоллик ва ташаббус кўрсатишдан, майда-чуйда жанжалларда ҳам қатнашишдан, асбоблар, ускуна ва электр жиҳозларига эҳтиётсизларча муносабатда бўлишдан ўзингизни асранг.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-908. 1 2 3 4 6